

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

НАЗАРОВА УМИДА АВАЗОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ТИЖОРАТЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
08.00.16 – Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Назарова Умида Авазовна

Қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмини
такомиллаштириш йўллари 3

Назарова Умида Авазовна

Пути совершенствования механизма коммерциализации инноваций в сельском
хозяйстве 25

Nazarova Umida Avazovna

Ways to improve the mechanism for commercialization of innovations in
agriculture 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

НАЗАРОВА УМИДА АВАЗОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ТИЖОРАТЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
08.00.16 – Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt660 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умаров Сухроб Рустамович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гулямов Саидахроп Саидахмедович иқтисодиёт фанлари доктори, академик Рустамова Ирода Бахрамджановна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ да мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, инновацион иқтисодиётни барпо этишда ҳар бир давлат мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, замонавий «яшил» технологияларни барпо этиш ва уларни дунё интеллектуал мулк маҳсулотлари бозорларидаги сифати ва ролини ошириш, тижоратлаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайдиган рақамли электрон платформалар яратиш ва уларни «яшил» иқтисодиёт йўналишларига мос ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқда. Чунки, дунёдаги барча йирик компаниялар ўз инновацион ғояларини тижорат маҳсулотларига тезроқ айлантириб ва арзон нархларда етказиб, юқори фойда олиш имконини яратишга интиломоқдалар. Шу боис, инновацион илмий ишланма ва маҳсулотларни тижоратлаштириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва рағбатлантириш механизмларини жорий этиш асосида тадқиқот натижалари ҳамда янги истиқболли ғояларни имтиёзли молиялаштириш, шунингдек, замонавий моделлаштириш воситалари ва усулларидан мақсадли фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши шароитида инновациялардан фойдаланишга асосланган иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги парадигма ва платформалари шаклланган бўлиб, уларни такомиллаштириш бўйича бугунги кунда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари ва марказлари томонидан эътиборга молик истиқболли илмий изланишлар олиб бориломоқда. Жумладан, инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион илғор ютуқларни амалиётда қўллаш, уларнинг сифат мезонлари ва самарадорлигини баҳолаш усулларини шакллантириш бўйича изланишларни кўпайтириш, уларнинг услубий-амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни самарали ташкил қилиш, фаоллаштириш ҳамда инновацияларни амалиётга татбиқ этиш ва тижоратлаштиришга оид муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш ва уларни тижоратлаштириш, тармоқда барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш учун инновациялардан самарали фойдаланиш «яшил» иқтисодиётга ўтиш шароитидаги асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан, инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш масаласи мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам ўта долзарб бўлиб, «...фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш тизимини молиялаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва бевосита буюртмаларга кўра, тижоратлаштириш кўламини кенгайтириш»¹ни тақозо этмоқда. Чунки, таҳлиллар кўрсатишича, айниқса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш» тўғрисидаги ПФ-6159-сон Фармони. – www.lex.uz.

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича яратилаётган инновацияларни тижоратлаштириш, улар сонини кўпайтириш ва жорий этиш босқичларидаги вақтларни қисқартириш каби муҳим йўналишлар етарлича тадқиқ этилмаган. Шу боис, қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни янада ривожлантириш, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159-сон «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари хусусиятларига мос яратилган инновацияларни тижоратлаштириш, уларнинг шакллари ва ривожланиш қонуниятларининг илмий-методологик асослари ва механизмлари МДХ давлатларида Е.Н.Новикова, В.Н.Парахина, С.Г.Косенко, В.Кудашов, В.И.Мухопад, Р.Фатхутдинов² сингари таниқли иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инновацион ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларининг турли жиҳатлари маҳаллий иқтисодчи олимлар С.С.Гулямов, Р.Ҳ.Ҳусанов, Ў.П.Умурзаков, Қ.А.Чориев, Н.С.Хушматов, Т.Ҳ.Фармонов, С.Р.Умаров, И.Б.Рустамова³ ва бошқаларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган.

² Новикова Е.Н., Парахина В.Н. Развитие инфраструктуры коммерциализации инноваций // Вестник Северо-Кавказского федерального университета, 2013. – №2(35). - С. 258–262; Косенко С.Г., Новикова Е.Н. Коммерциализация инноваций вуза как фактор его конкурентоспособности // Концепт, 2014. – Спецвыпуск №5. – АРТ 14548; Кудашов В. Коммерциализация инноваций // Ж.: Наука и инновации, 2013. - №9 (127). - С. 53-56; Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. - М.: Магистр: ИНФРА-М, 2010. - 512 с; Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учеб. для вузов. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез»», 1998. – 17 с.

³ Гулямов С.С. Инновационное развитие регионов Узбекистана // Материалы второго международного экономического форума. - Т.: Институт макроэкономического прогнозирования, 2011.; Ҳусанов Р.Ҳ. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Иқтисодий ва илмий-тадқиқот барқарор ривожлантириш зарурияти кучаяётган бугунги шароитда инновацияларни самарали жорий этиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулот (товар)ларини ишлаб чиқариш ҳажми, турлари ва сифатини ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантириш талабларига мос ташкил қилиш ва диверсификациялашнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этиб, унда қишлоқ хўжалигида инновацияни тижоратлаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади. Ушбу муаммонинг назарий ва услубий-амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро Марказида ПЗ-20170928458 рақамли «Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмининг такомиллаштириш йўллари бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмининг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини асослаш;

қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни тижоратлаштиришда халқаро тажрибалардан фойдаланиш усул ва йўллари ўрганиш;

қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш ва рағбатлантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этишда илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш йўналишларини баҳолаш;

қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштиришни рақамли технологиялар асосида бошқариш усулларини тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва рағбатлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

муаммолари: респ. илм.-амал. конф. маър. тез. 21-22 май 2004. – Тошкент. - 5-14 б.; Умурзаков Ў.П., Умаров С.Р. Сув хўжалигида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари // *Irrigatsiya va melioratsiya* журналы, 2016. - №6. - 50-53 б.; Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). – Т.: ЎзБИИТИ, 2014. – 31 б.; Чориев Қ.А. Хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизмлари ва улардан фойдаланишга доир услубий тавсиялар. – Т.: ЎзБИИТИ, 2014. – 45 б.; Хушматов Н., Файзуллаева Т. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари // *Экономика и класс собственников*. – Тошкент, 2004. - №1. – Б. 46.; Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 30 б.; Рустомова И.Б. Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари. – и.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. – 77 б.

қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажми ва банд ишчи ходимлар сонининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унда фаолият юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёслаш, монографик кузатиш, тизимли таҳлил, илмий абстракция, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан инновацион ишланмаларга шаклланадиган бозор талаби ва унинг реал ҳолатини онлайн режимда акс эттирувчи дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида инновацияларни татбиқ қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ва имтиёзли рағбатлантириш учун рақамли технологиялар асосида фаолият юритувчи кредит кооперативларини ташкил этиш зарурияти, тамойил ва механизмлари асосланган;

қишлоқ хўжалигига жорий этиладиган инновацияларни тижоратлаштиришни давлат томонидан солиқ, молиявий ва инвестициявий механизмлар орқали қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўллари таклиф этилган;

тармоққа йўналтириладиган инвестициялар ҳажминини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш миқдори ва банд ходимлар сони бўйича 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бозор талабларини аниқ кўрсатувчи онлайн платформа орқали янги технология ва ишланмаларни рағбатлантириш ҳамда реал вақт режимда маълумотларни акс эттириш, ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича илмий ёндашувлар асосланган;

қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларни жорий қилишни молиялаштириш тизимини рағбатлантириш учун кредит кооперативларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рақамлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган;

солиқ юқини камайтириш орқали ишлаб чиқарувчилар харажатларини пасайтириш, инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилиш орқали инновацияларни тижоратлаштириш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

тармоққа жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва банд бўлганлар сони каби омилларнинг таъсири натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз параметрларига оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан мавзуга доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий асарларида ишлаб чиқилган илмий-назарий ва методологик ёндашишларнинг ижодий ўрганилганлиги, Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, иқтисодий таҳлил усуллари ҳамда статистик ва монографик ўрганилган хўжалик юритиш субъектлари маълумотларидан мақсадли фойдаланилганлиги, эконометрик моделлаштириш, компьютер ҳисоб-китобларига асосланганлиги ва тадқиқот янгиликларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса, таклиф ва тавсиялардан қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллик стратегиясини ишлаб чиқиш, инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни таҳлил этиш ва уларнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва инновацион маҳсулотларни онлайн платформа орқали тижоратлаштириш усуллари кўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инновациялар жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва хўжалик юритиш субъектларини ошириш муаммоларига оид илмий-амалий изланишларни олиб бориш, қишлоқ хўжалиги тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги», «Аграр бозорни бошқариш» ва «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти» фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан инновацион ишланмаларга шаклландирган бозор талаби ва унинг реал ҳолатини онлайн режимда акс эттирувчи дастурий таъминот тизими Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 10 январдаги 05/07-04-11-сон маълумотномаси). Натижада инновацион лойиҳалар самарадорлигини аниқ баҳолаш асосида тўғри самарали қарорлар қабул қилиш орқали инвестицияларнинг натижадорлиги ошади ва таваккалчиликлар камаяди. Шунингдек, дастурий таъминот инвесторлар, фермерлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга ёрдам беради;

қишлоқ хўжалигида инновацияларни татбиқ қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ва имтиёзли рағбатлантириш учун рақамли технологиялар асосида фаолият юритувчи кредит кооперативларини ташкил этиш зарурияти,

тамоийил ва механизмлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 10 январдаги 05/07-04-11-сон маълумотномаси). Натижада кредит кооперативлари асосида инновацион маҳсулотларни жорий қилишни молиялаштириш тизимини рағбатлантириш йўлга қўйилади;

қишлоқ хўжалигига жорий этиладиган инновацияларни тижоратлаштиришни давлат томонидан солиқ, молиявий ва инвестициявий механизмлар орқали қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 10 январдаги 05/07-04-11-сон маълумотномаси). Натижада инновацион ишланмаларни сотиб олиб ишлаб чиқаришга жорий қилган хўжаликларга солиқ таътили ва солиқ чегирмаси орқали ҳамда тижорат банкларидан олинган кредитлар фоизларини тўлаш учун инновацион корхоналарга субсидиялар ажратиш орқали рағбатлантириш йўлга қўйилади;

тармоққа йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш миқдори ва банд ходимлар сони бўйича 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 10 январдаги 05/07-04-11-сон маълумотномаси). Натижада, 2030 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми қарийб 851,7 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 12 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси маҳаллий, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олиб, 156 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад вазибалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда

амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар, уни тижоратлаштиришдаги илмий ёндашувлар тадқиқ этилган. Шунингдек, аграр соҳада инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари ўрганилган, соҳани инновацион ривожлантиришга доир хорижий тажрибалар тадқиқ этилган ва уларни республикамиз иқтисодиётида қўллаш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тижоратлаштириш деганда даромад (фойда) олиш мақсадида яратилган маҳсулотни тижорат асосида турли хил ва шаклларда сотиш тушунилади. Бунда биз илмий, илмий-тадқиқот, таълим, инновацион ва бошқа фаолият маҳсулларини тушунамиз. Бу эса шунга мос равишда «илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари» атамасини ажратишни назарда тутди. Аграр соҳада юқори технологиялар асосида фаолият юритаётган хўжалик субъекларида янги инновацион технологияларни яратиш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон юқори технология бозорларига чиқиш сценарийсини қўллаш инновацион қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тижоратлаштиришни таъминлайди.

Инновацион қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бозорга муваффақиятли киритиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тижоратлаштириш тизими қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот ишлари, прототиплаштириш ва синовлар ўтказиш, маҳсулотни патентлаштириш ва ҳуқуқий асослаш, қишлоқ хўжалик инновацион маҳсулотини ишлаб чиқариш, маркетинг ва реклама, таълим ва тренинглар, ижтимоий ва экологик омиллар, алоқалар ва ҳамкорликлар, молиявий ресурслар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тижоратлаштириш йўналиш ва механизмларини ўз ичига олади (1-расм).

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, инновацион қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тижоратлаштириш механизмини янада такомиллаштириш лицензиялашни, муҳандислик технологияларини таъминлаш, франчайзинг, техник-технологик стандартлаштириш, самарали кооперация шартномалари ва венчур инвестициялар орқали ускуналарни лизинг асосида харид қилишда уларнинг тенг иштирокини таъминлайди.

Шу боис, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацияларни тижоратлаштиришни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- инновацион фаолиятни юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, инновацион маҳсулотни бозорга йўналтириш;
- харидорлар ва маркетинг соҳасида тадқиқотларни кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотларни ва инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи тадқиқотчи ҳамда изланувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;



1-расм. Инновацион қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тижоратлаштиришнинг асосий механизмлари⁴


инновацион маҳсулотларни жаҳон бозорига тижоратлаштиришда махсус платформа ташкил этиш ва унга аъзоликнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижоратлаштириш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (2-расм).

Тижоратлаштириш босқичлари мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва тараққиётига мос равишда тузилган бўлиб, у қуйидаги механизмлари орқали бошқарилади: интеллектуал фаолият ишланмаси ёки натижасини лицензия келишуви асосида тўғридан-тўғри сотиш, инновацион компанияни ташкил этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларга сотиш.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари инновацияларни тижоратлаштириш ва инновацион иқтисодиётни қуриш жараёнини такомиллаштиришга ёрдам беради.

⁴ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



2-расм. Инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш босқичлари⁵

Шунингдек, инновацион фаолиятни амалга ошириш қоидалари, уни қўллаш технологиясига доир стратегия ва тактикани тўғри шакллантиришга хизмат қилади. Ҳар қандай инновацион фаолиятнинг самарадорлиги қишлоқ хўжалиги тармоқларини ушбу йўналишда ривожлантиришни тақозо этади. Шу боис, тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизмини қуйидаги йўллар орқали такомиллашириш таклиф этилган (1-жадвал).

Ушбу масалаларнинг жадал суръатлар билан изчил ҳал этилиши қишлоқ хўжалигининг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га кириш ва иқтисодиётнинг глобаллашуви билан ҳамқадам бўлиш имконини беради. Шунга мос тарзда ушбу ишларни самарали бажариш учун қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

мамлакат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кооперация ва интеграция тамойиллари асосида бирлаштириш, тажриба алмашиш, модернизациялаш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш;

мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўналишларида аграр сиёсатини шакллантириш ва давлат иштирокини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабларни таъминлаш, хом-ашё ва озиқ-овқат экспортини ривожлантириш.

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**Қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш
механизмлари ва уларни ривожлантириш йўллари⁶**

Инновацияларни тижоратлаштириш механизмлари	Ривожлантириш йўллари	Механизмга таъсир этувчи омиллар	Жорий этган мамлакатлар
Молиявий механизм	Ривожлантириш: хусусий инвестициялар, портфель инвестициялар, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари, олимлар. Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш	Давлат кредити, банк кредитлари бўйича давлат кафолатлари, солиқ имтиёзлари ва бошқалар	АҚШ, Италия, Бельгия, Англия, Швеция, Канада
Ташкилий механизм	Фан-техника сиёсатининг саноат сиёсати билан интеграцияси	Янги холдинг компанияларини яратиш ва ривожлантириш. Кадрлар алмашинувини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Германия, Австралия
Ҳуқуқий механизм	Инновацияларни узатишда олимларни рағбатлантириш	Яратилаётган компанияларнинг акцияларига эгалик қилиш ҳуқуқи	Германия, Италия, Франция

Тадқиқотнинг «Қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш тенденциялари ва рағбатлантириш усуллари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотга бўлган талаб, уни таъминлаш ва рағбатлантириш усуллари ҳамда қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этишда хавф-хатарларни камайтириш ва олдини олиш йўллари, соҳада инновацион маҳсулотларни яратиш ва жорий этишга оид илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш масалалари таҳлил қилиниб, илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда ишлаб чиқарувчиларга кўпроқ ҳосил олиш имконини берувчи илғор ва инновацион технологияларни ўзлаштиришни тақозо этади. Шу боис, Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Агроинвест» агрофирмасининг фаолияти таҳлил қилинди. Унга кўра, агрофирманинг асосий мақсади этиб сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотларни инновацион усулда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, сифатини сақлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш стратегияси белгиланган. Мазкур агрофирманинг 2019-2023 йилларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

«Агроинвест» агрофирмасининг 2019-2023 йиллар давомидаги ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларининг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, агрофирманинг рентабеллик даражаси 2023 йилда 2019 йилга

⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

нисбатан 0,7 фоиз камайган бўлсада, бироқ бошқа йилларга нисбатан эса юқори бўлган. Умуман, нафақат ушбу агрофирма фаолиятида, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштиришдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўллари бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида сўровнома ишлари амалга оширилди.

2-жадвал.

«Агроинвест» агрофирма томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар самарадорлиги⁷

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	йиллар				
			2019	2020	2021	2022	2023
1	Қайта ишланган жами маҳсулот миқдори	ц	664,14	1237,51	1608,86	2135,0	964,5
2	Олинган жами даромад	млн. сўм	1836,8	3570,8	3879,5	6799,1	5087,8
3	Жами харажатлар	млн. сўм	806,8	1830,3	1937,2	3408,4	2270,3
4	Фойда ёки зарар (+;-)	млн. сўм	1030,0	1740,6	1942,4	3390,7	2817,5
5	Рентабеллик даражаси	%	56	48	50	49,8	55,3
7	Экспортга йўналтирилган инновацион маҳсулот миқдори	АҚШ доллар	258740	692977	387800	621485	779468
8	Экспортдан келадиган даромад	АҚШ доллар	258740	692977	387800	621485	779468
9	Экспортга йўналтириш учун қилинган харажат	АҚШ доллар	31049	83157	46536	74578	93536
10	Экспорт ҳисобига олинган фойда ёки зарар	АҚШ доллар	227691	609819	341264	546907	685931

Жумладан, бунинг учун тадқиқот жараёнида Қашқадарё ва Наманган вилоятлари туманларидан мос равишда танлаб олинган 100 тадан (жами 200 та) фермер ва деҳқон хўжаликларида анкета сўровномаси ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти туманларидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида инновацион маҳсулотлар жорий этиш муҳитини яратиш ва уларни тижоратлаштириш ҳамда хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида янгиликларни қўллашда ўз маблағларининг етарли эмаслиги аниқланди. Наманган вилоятида эса, фермер хўжаликларида инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг мавжудлиги ва уларни тижоратлаштиришдаги имконияти борлиги аниқланди. Шунингдек, Наманган вилояти туманларидаги фермер, деҳқон хўжаликларининг инновацион маҳсулотларга бўлган талаби, уни тижоратлаштириш ва рағбатлантириш масаласи Қашқадарё вилояти фермер, деҳқон хўжаликларида нисбатан ишончи анча юқори эканлиги аниқланди.

Демак, инновацияларни тижоратлаштириш жараёнини ривожлантириш тенденцияларини таъминлашда ишлаб чиқаришда янги илмий ишланмаларни яратиш, татбиқ этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид ишларни фаоллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Биламизки, қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялар – бу қишлоқ хўжалигидаги технологик жараёнларнинг барча ишлаб чиқариш цикллари

⁷ Тошкент вилояти Бўка тумани «Агроинвест» агрофирмаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

рақамли моделлаштириш ҳисобидан автоматлаштириш демакдир. Қишлоқ хўжалигида рақамли ечимлар спектори етарлича кенг тарқалган бўлиб, бунга қуйидаги тизимларни мисол қилиш мумкин:

хўжаликни бошқариш тизимини ундаги ҳар бир аниқ белгиланган дала бўйича ҳисоб операцияларини юритиш дастури ёрдамида ташкил қилиш;

чорвачиликни бошқариш тизими пода айланмаси, чорва моллари ёши ва турлари бўйича илмий асосланган рационлар асосида парваришlash ва селекция ишларини мақбуллаштиришни ўз ичига олиши лозим;

«ақлли» суғориш тизими сувдан фойдаланишда ўсимлик турлари ва уларнинг агротехник вегетация даврларига мос равишда сув билан меъёрда таъминlash, уни аниқ узатиш вақти, ҳажми ва жойини белгиlash ишларини сифатли бажариш тадбирларини ўз ичига олади;

роботлардан фойдаланиш тизими ўз вазифаларини аниқ ва самарали бажарадиган автоматлаштирилган қишлоқ хўжалик воситаларини қўллаш чоратадбирларини назарда тутди;

аниқ белгиланган харажатларни камайтириш орқали самарадорликни оширишда замонавий ресурстежамкор ускуналардан фойдаланишни назорат қилиш тизими;

йўлдош ва дронлардан фойдаланиш тизими вужудга келаётган у ёки бу касалликлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш учун олинган суратлар, уларга ва бегона ўтларга қарши курашиш, ҳосилдорликни ва скаутингнинг самарадорлигини башоратlashда муҳим ҳисобланади;

датчиклардан фойдаланиш тизими об-ҳаво ўзгариши, касалликларнинг тарқалиш эҳтимоллигини башоратlashга оид маълумотларни тўплаш, уларни табақалаштириш алгоритмларини яратиш учун зарур асбоб-ускуналарни танlash ва қўллашга йўналтирилиши лозим.

Маълумки, инновацияларни жорий этиш ва тижоратlashтириш асосида қишлоқ хўжалигини «яшил» иқтисодиёт шароитида инновацион барқарор ривожлантириш келгусидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳоlash учун дастурий таъминот тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Шу боис, тадқиқот жараёнида «Қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларга бўлган талаб ва уни рағбатлантириш ҳолатини анализ қиладиган дастурий платформа» тавсия этилди ва унга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази давлат муассасаси томонидан, ЭХМ учун ДГУ (DGU 40195) олиниб, унинг логотипи яратилган. Бу платформа орқали барча ишланмалар бўйича амалга ошириладиган жарёнларга тегишли маълумотлар базалари шакллантириб борилади (3-расм).

Мазкур платформа «AGRO-INNOV-TIJORAT.UZ» деб номланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор, фермер, деҳқон ва инвесторлар учун қишлоқ хўжалигига жорий этилаётган инновацион маҳсулотларни тижоратlashтириш масалаларининг ечимлари тақдим этилади. Ушбу сайтдан фойдаланувчилар маҳсулотлар, агротехника хизматлари ва замонавий технологиялар ҳақида маълумотга, уларни харид қилиш ёки ўз маҳсулотларини реклама қилиш имкониятларига эга бўладилар ва шунга қараб ўз фаолиятларини режалаштирадилар.



AGRO-INNOV-TIJORAT.UZ

3-расм. Платформанинг логотиши⁸

Қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш платформасини яратиш технологияларидан, жумладан, Backend усулидан Django ёки Flask (Python) маълумотларни бошқариш ва сервер томони функциялари учун фойдаланилган. Frontenda - HTML5, CSS3, JavaScript (React.js yoki Vue.js) фойдаланувчи интерфейси ва маълумотлар базаси учун катта ҳажмдаги маълумотларни самарали бошқариш учун ишлатилади. Hosting эса, AWS, PythonAnywhere yoki DigitalOcean каби булут хизматларида ва SEO va Analitika да - Google Analytics va Yoast SEO сайтни қидирув тизимларига мослаштириб, трафикни кузатиш имконини беради. Мобил мослашув бўйича Bootstrap yoki Tailwind CSS сайтнинг барча қурилмаларининг ўзаро мослашувчанлиги таъминланади.


Бу платформа барча ишланмаларни амалга ошириш жараёнларининг маълумотлар базасини шакллантиради. Жумладан, унинг техник топшириғи ўз навбатида қишлоқ хўжалигида яратилган инновацион маҳсулот турлари, уларни етиштирувчилар билан савдо шартномалари ва халқаро алоқалар, меъёрий-норматив актлар ва инновацион маҳсулотлар харитаси, логистика, маҳсулотни қайта ишлайдиган ва сақлайдиган корхоналар билан интеграция, инновацион маҳсулотларни молиялаштириш тизимидан иборат. Шунингдек, техник топшириқнинг ҳар бир бўлимида олдиндан белгиланган вазифалар қўйилиб, инновацион қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тижоратлаштириш жараёнлари рақамлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва онлайн назорат қилинади. Ушбу техник топшириқ вазифалари бўйича ўтказилган тажриба натижалари асосида тадқиқотда инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш платформасининг қуйидаги алгоритми тавсия этилган (4-расм).

Ушбу таклиф этилган блок схема қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотга бўлган талаб ва уни рағбатлантириш ҳолатини таҳлил қиладиган дастур учун жараённинг ҳар бир босқичини тасвирлайди. Хусусан:

бошлаш-бу дастур жараёнининг бошланиш нуқтасини билдиради;

маълумотларни йиғиш- инновацион маҳсулот тури, хусусиятлари, нархи ва бошқа тегишли маълумотларни тўплаш жараёнларини ўз ичига олади ва истеъмолчиларнинг у ёки бу маҳсулотга бўлган талаби, бозор ўзгаришлари, тенденциялари ўрганилади, ҳозирги ва ўтмишда қўлланилган маркетинг, рағбатлантириш стратегияси, уларнинг самарадорлиги ва натижалари бўйича маълумотлар тўпланади;

⁸ Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. Инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш платформасининг алгоритми⁹

маълумотларни тайёрлаш, тозалаш ва йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш учун тайёрлаш жараёнлари олиб борилади, яъни, бунда маълумотлар форматланади ва керакли шаклга келтирилади;

маълумотларни таҳлил қилиш - йиғилган ва тайёрланган маълумотлар келгусида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида таҳлил қилинади;

бозор талабининг таҳлили - бозор талабини таҳлил қилиш орқали у ёки бу маҳсулотга бўлган эҳтиёж аниқланади;

натижаларни визуализация қилиш - таҳлил натижалари диаграмма, графиклар ва бошқа визуал воситалар ёрдамида ифодаланади;

қарор қабул қилиш - таҳлил натижалари асосида қарор қабул қилинади;

янги рағбатлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш - бозор талаби асосида таҳлил натижаларига асосланган рағбатлантириш стратегияси ишлаб чиқилади ва тугатиш-дастурни амалга ошириш жараёнлари яқунланади.

Бу блок схема қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулот жорий этишни муваффақиятли рағбатлантириш ва уни бозорга чиқаришга ёрдам берадиган муҳим қадамларни ўз ичига олади. Ҳар бир қадам ўзига хос маълумотлар ва таҳлиллар асосида қарор қабул қилиш имконини беради, натижада, қишлоқ хўжалиги инновацион маҳсулотлари самарали тарғиб қилинади. Шунингдек, бу

⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

дастурий таъминот инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқ ва тизимли равишда баҳолаш имкониятини яратиш билан бирга деҳқон ва фермерлар, инвестор ва тадбиркорлар учун лойиҳанинг потенциалини тўғри баҳолаш, самарадорликни ҳисоблаш, хўжаликларнинг ривожланиш йўналишлари ва чора-тадбирларини белгилашда муҳим дастак бўлиб хизмат қилади.


